
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ – МУҲИМ БЎҒИН бу борада умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш ғоят аҳамиятлидир

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги қарори таълимнинг ушбу муҳим бўғинига умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини жалб этиш, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича касбий тайёргарланган мутахассисларга бўлган талабини самарали қондиришнинг муҳим дастуриламали бўлиб хизмат қилаётир.

Жорий ўқув йилида вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 9-синфларини тамомлаётган 46069 нафар битирувчиларни академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш кўзда тутилган бўлиб, 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб вилоятда 9 та академик лицей, 147 та касб-хунар коллежлари фаолият юритиши белгиланган.

Вилоятимизда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқув жараёни сифати ва самарадорлиги тубдан оширилиб, умумтаълим мактаблари битирувчиларининг танланган касблар ва мутахассисликларни эгаллашга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилга шарт-шароитлар янада кенгайтирилмоқда, – дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи Маъруфжон Холдоров. –Хусусан, Фарғона давлат университети қошидаги 2-сонли академик лицейи –Фарғона политехника касб-хунар коллежига, Қўқон давлат педагогика институти қошидаги Қўқон академик лицейи – Қўқон саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига, Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали қошидаги Бағдод академик лицейи – Бағдод политехника касб-хунар коллежига айлантирилди. Тошлоқ ижтимоий-иқтисодиёт коллежи –Тошлоқ енгил саноат ва сервис касб-хунар коллежига, Бувайда иқтисодиёт коллежи – Бувайда иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига ихтисослаштирилди. Ҳозирда қайта ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур ўқув-лаборатория жиҳозлари, ўқув-методик адабиёт ва қўлланмалар ҳамда малакали педагоглар билан таъминлаш чораларига эътибор қаратилган.

Вилоятда умумтаълим мактаблари битирувчиларининг 2736 нафари рус синфларини тамомлаётганлигини ҳисобга олиб, уларни етарли салоҳиятга эга бўлган ва рус тилидаги адабиётлар билан таъминланган Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида академик лицей ва касб-хунар коллежларига қабул қилиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, рус гуруҳлари ташкил этишга имконияти мавжуд бўлган Қувасой саноат, Бешариқ ижтимоий-иқтисодиёт, Бешариқ тиббиёт, Риштон саноат, Қува тиббиёт, Бағдод қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежлари сингари таълим муассасалари рўйхати шакллантирилди.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган “Очиқ эшиklar куни” битирувчиларнинг ўрта махсус, касб-хунар таълимига тўлиқ қамраб олиниши ва уларнинг таълим йўналишларини тўғри танлашларига кўмаклашишда амалий аҳамият касб этаётир.

Мазкур жараёнда индивидуал таълимга эҳтиёжманд бўлган болалар ва Меҳрибонлик уйлари битирувчиларига шарт-шароит яратиш, шунингдек, умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаларида 1-5- ўринларни қўлга киритган умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига мос йўналишлар бўйича имтиёзли қабул қилинишини ташкиллаш масалалари ҳам эътибор марказида.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимига умумтаълим мактаблари битирувчилари қамровининг тўла ва сифатли амалга оширилиши мазкур бўғиннинг тубдан такомиллашуви ҳамда салоҳиятли, ўзи танлаган ихтисослиги бўйича пухта билимларни ўзлаштирган, малакали кадрларни етиштириш йўлида ғоят муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз.